

## Келин барибир ўз қизингдек бўлолмайди-да



17:00 / 30.06.2022 5458

Кекса онахон шундай ҳикоя қилади:

«Учта ўғлим бор, барчаси уй-жойли бўлиб, тинч-тотувликда яшамоқда. Кунлардан бир куни тўнғич ўғлимникига меҳмонга бориб, ўша ерда бир кеча тунаб қолдим. Тонг отганда келинимдан таҳорат олиш учун сув сўрадим. Кейин таҳорат қилдим, намоз ўқидим ва таҳоратдан қолган идишдаги сувни тўшагимга сепиб қўйдим. Келиним, нонуштага чой олиб келганда унга: «Қизим, бу энди қаричиликда, тўшагимга бавл қилиб қўйдим», дедим. Келинимни жаҳли чиқиб, ғазабланиб, мени оғир сўзлар билан ҳақорат қилди. Сўнгра мендан тўшакни ювиб қуритишимни ва бу ишни бошқа такрорламаслигимни талаб қилди. Мен унга ўзимни ғазабимни яшираётган қилиб кўрсатдим, тўшакни ювиб, қуритдим.

Шундан кейин ўртанча ўғлимнинг уйига бордим. У ерда катта ўғлимникида қилган ишимни такрорладим. Ўртанча келиним ҳам бундан аччиғи чиқиб, ғазабланди. Бориб, қилган ишимни ўғлимга айтди. Ўғлим эса хотинига индамади. Улар билан хайрлашиб кенжатоё ўғлимнинг олдига бордим. У ерда ҳам акаларининг уйида қилган ишимни такрорладим. Келиним нонуштага чой олиб кирганда унга тўшакка бавл қилиб қўйганимни айтдим. Келиним менга: «Ҳечқиси йўқ онажон, бу қаричиликда, биз кичкиналигимизда сиз катталарнинг либосингизга қанча бавл қилганмиз-у», дедида, тўшакни олиб чиқиб кетди ва уни ювиб қуритди.

Мен унга айтдим: «Қизим, мени бир дугонам бор, у менга пул бериб, ўзи учун турли зираклар олишимни илтимос қилган эди. Мен унинг ўлчамини билмайман. Аммо бўй-басти сизга ўхшайди. Менга қўлингизнинг ўлчамини беринг».

Онажон шундан сўнг бозорга жўнаб, бор пулига тилла буюмлар харид қилди. Онажонда пул кўп эди. Сўнг ўз уйига келиб, ўша ерга ўғилларини ва барча келинларини чақирди. Кейин ҳамёнидан сотиб олган тилла-тақинчоқни чиқарди. Ўғли ва келинларга уларнинг уйларида тўшакка бавл қилмаганини балки, таҳоратдан ортган сувни қўйганини баён қилди. Тилла-тақинчоқни эса кенжа келиннинг қўлига тақиб: «Бу менинг қизим, энди уларнинг уйида яшайман ва қолган умримни улар билан бирга ўтказаман», деди. Бу гапни эшитган катта келинлар, худди яшин ургандек, ғалати ҳолатга тушиб қолдилар ва қилган ишларидан қаттиқ пушаймон бўлдилар».

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Ар-Роҳман сурасида шундай марҳамат қилган:

نُؤاسِحِإِلِإِلِإِنِؤَسِحِإِلِإِؤَؤِءِؤَؤِءِ

**«Яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқдир» (60-оят).**

Аллоҳ таоло барчамизни ота-онасига яхшилиқ қилувчи солиҳ фарзанд бўлиб ҳаёт кечиримизни насиб этсин.

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси**

**Хуршид Маъруф тайёрлади**